

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ**Махмудова Дилбар Рахмоновна**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7190954>

Аннотация. Мақола рақамли иқтисодиётда кичик бизнес истиқболларини тадқиқ этишига бағишланган бўлиб, рақамли иқтисодиётнинг даражаси ва унда кичик бизнеснинг ўрни хусусида тўхталиб ўтилган. Рақамли иқтисодиётни шакллантиришида кичик бизнес бошқарувининг истиқболлари очиб берилган. Шунингдек, маҳаллий ва хориж олимларининг тадқиқот ишларини ўрганилган. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан, келажак истиқболдаги янги талаб юқори бўладиган касбларнинг айрим турлари шаклланиши асослаб берилган. Жаҳондаги бир қанча тадқиқот компаниялари ҳисоботлари асосида рақамли иқтисодиётда инновацион технологияларининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсиринг истиқболдаги прогнозлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан Кондратьев тўлқинининг истиқболдаги босқичлари таҳлили амалга оширилган. Мавзу юзасидан илмий ва амалий аҳамиятга эга хулосалар берилган.

Калим сўзлар: рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, бошқарув, анъанавий иқтисодиёт, рақамли технологиялар, бизнес юритиш моделлари, виртуаллаштириш, булутли технологиялар, ERP ва SRM тизими, B2B, B2C, B2G, C2B, C2C, рақамли бизнес иқтисодиёти, платформа, индустрия 4.0, янги касблар, уберизация, “Кондратьев тўлқини”, “Digital business management” дастурий маҳсулоти, кичик бизнес реабилитацияси.

ПЕРСПЕКТИВЫ МАЛОГО БИЗНЕСА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Аннотация. Статья посвящена исследованию перспектив малого бизнеса в условиях цифровой экономики. Обсуждается уровень цифровой экономики и роль в ней малого бизнеса. Раскрываются перспективы управления малым бизнесом в условиях формирования цифровой экономики. Также были изучены научные работы местных и зарубежных ученых. С развитием цифровой экономики обосновано формирование отдельных видов профессий, которые будут востребованы в будущем. На основе отчетов нескольких исследовательских компаний мира были проанализированы будущие прогнозы влияния инновационных технологий в цифровой экономике на социально-экономические процессы. Автор провел анализ предполагаемых стадий волны Кондратьева. По теме даны выводы, имеющие научное и практическое значение.

Ключевые слова: цифровая экономика, малый бизнес, управление, традиционная экономика, цифровые технологии, бизнес-модели, виртуализация, облачные технологии, ERP и SRM системы, B2B, B2C, B2G, C2B, C2C, цифровая экономика бизнеса, платформа, индустрия 4.0, новые профессии, уберизация, волны Кондратьева, программный продукт, экономика цифрового бизнеса, реабилитация малого бизнеса.

SMALL BUSINESS PERSPECTIVES IN THE DIGITAL ECONOMY

Abstract. The article is devoted to the study of small business prospects in the digital economy. The level of the digital economy and the role of small business in it are discussed. Perspectives of small business management in the formation of digital economy are revealed. Research works of local and foreign scientists were also studied. With the development of the digital economy, the formation of certain types of professions, which will be in high demand in the future, is justified. Based on the reports of several research companies in the world, future

forecasts of the impact of innovative technologies in the digital economy on socio-economic processes were analyzed. The author made an analysis of the prospective stages of the Kondrat'ev wave. Conclusions of scientific and practical importance are given on the topic.

Keywords: digital economy, small business, management, traditional economy, digital technologies, business models, virtualization, cloud technologies, ERP and SRM systems, B2B, B2C, B2G, C2B, C2C, digital business economy, platform, industry 4.0, new professions, uberization, "Kondratev wave", software product "Digital business management", small business rehabilitation.

КИРИШ

Жаҳондаги ҳозирги глобаллашув жараёнида иқтисодий муносабатларнинг кескин ривожланиши барча соҳаларда рақамли иқтисодиёт ютуқларини тезликда жорий қилиш талабини қўйди. Мамлакатларнинг дунё бозори рақобатида омон қолиши ёки ўз ўрнини топиши учун ҳам инновацион технологияларга бўлган талаб кучаймоқда. Соҳаларни модернизациялаш ва диверсификациялаш масалалари ҳам рақамли иқтисодиётнинг асосий мақсадлари қаторига кириши билан аҳамиятлидир.

Рақамли иқтисодиётни ўлчаш даражаси турли давлатларнинг бу жараённинг қандай даражада ривожланаётганлигини аниқлаш билан аҳамиятли. Ҳозирги кунда уларнинг амалиётда даражасини ўлчашнинг аниқ ечимига келинмаган. Рақамли технологиялар ёрдамида амалга оширилаётган иқтисодий фаолият турлари сони кўпайиб бораётгани ва бунинг натижасида уларнинг иқтисодий аҳамияти ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда рақамли иқтисодиётни ўлчаш энг устувор вазифа деган хулосага келдик. Бизнингча, рақамли иқтисодиёт кўплаб давлатларда шаклланиш ва ривожланиш босқичида бўлганлиги боис, унда пайдо бўлаётган қийинчиликлар ва муаммолар сабаб рақамли иқтисодиётнинг ҳажми сезиларли даражада паст баҳоланмоқда.

Бизнинг фикримизга кўра, рақамли иқтисодиёт қамрови катта, аммо анъанавий, рақамли бўлмаган иқтисодиётдан сезиларли даражада кичикроқдир. Бунинг асосий сабаби жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ҳамон анъанавий иқтисодиёт ҳукмронлиги давом этмоқда. Бундан шуни аниқлаш мумкинки, “глобал миқёсда рақамли иқтисодиёт нотекис тақсимланган”. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясини эса фақатгина хусусий бизнес билан яратиш муқарар.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда кичик бизнес бошқарувининг истиқболлари ҳам айнан бу соҳани рақамлаштириш муҳимлигини кўрсатди. Бу борада маҳаллий ва хориж олимларининг тадқиқот ишларини келтириш ўринли. Жумладан, бир гуруҳ маҳаллий олимларимиз рақамли иқтисодиёт – бу қуйидагиларни ўзгартиришдир, яъни бизнес юритиш моделлари, мижозлар билан муносабатларда хулқ-атвор стандартлари, виртуаллаштириш, булутли технологияларни жорий қилиш ва бир қатор бизнес жараёнлари билан боғлиқ бўлган омилларни санаб ўтишган. Россиялик олимлар ҳам “рақамли технологиялар ишлаб чиқариш ва кичик бизнесни ривожлантириш манбаи эканлигини айтиб, ўзгарувчан иқтисодий шароитда рақобатбардошликни оширишга имкон беради” деб таъкидлаб ўтганлар ва кичик бизнесда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган воситаларини келтирганлар. Булар, мижозлар билан муносабатларни бошқариш (SRM) тизими; корхона ресурсларини режалаштириш ва бошқариш (ERP)

тизими; булутли ҳисоблаш хизмати кабилар. Яна бир гуруҳ хориж олимларининг “Рақамли иқтисодиётга кириш” номли илмий асарларида, иқтисодий жараёнларнинг бизнесга таъсирининг турлари борасида сўз юритилган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг B2B, B2C, B2G каби турлари жаҳон амалиётида қўлланилиб, ривожланиб келаётлигини аниқладик. Уларда C2B ва C2C сингари янги турларининг моҳияти очиб берилган.

Шубҳасиз, кўплаб мамлакатларда сотувчи ва харидор ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг яъни иқтисодий жараёнларнинг бизнесга таъсирининг турларига кўра рақамли иқтисодиётнинг даражасини баҳолашади, аммо менжмент ва иқтисодий муносабатларнинг янги шакллари тушунмайдилар. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, аксарият мамлакатлар рақамли иқтисодиётни қурмайдилар, балки шунчаки мавжуд иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш билан шуғулланадилар. Бу ҳолат амалий жиҳатдан муҳимлигига қарамай, рақамли иқтисодиётни динамик ривожлантиришда мақсадга мувофиқ жараён эмас.

Анъанавий технологик платформани амалга ошириш бизнесни рақамлаштирмайди. **Рақамли бизнес иқтисодиёти** платформаларининг энг муҳим жиҳати охир-оқибат иш жараёнларини автоматлаштириши керак.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ҳар бир саноат инқилоби даврдан маълумки, инқилобнинг янги босқичининг бошланиши иқтисодий-ижтимоий тизимни ўзгартириб, бозорларни қайта тақсимлайди ва технологик янгиликларга қарши норозиликларни келтириб чиқаради. Бунинг асосий сабаби янги инқилоб бевосита муайян касбларнинг фаолиятига узил-кесил барҳам беради. “Сколково” мактаби ва “Стратегик ташаббуслар” агентлиги яқин 10-15 йил ичида йўқ бўлиб кетадиган ва аксинча пайдо бўладиган касблар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган касблар атласини тайёрлади.

Шу ўринда, янги инқилоб инновацион технология билан боғлиқ бўлган “янги касблар” нинг турли кўринишларини вужудга келтиради. Масалан, жаҳондаги иқтисодий туб бурилишларнинг яъни аграр иқтисодиётдан биринчи саноат инқилобига, ундан кейин иккинчи саноат инқилобига, кейин эса хизматлар иқтисодиётига ва рақамли иқтисодиётга ўтиш натижасида кўплаб касбларга зарурият қолмади ва улар ўз ўрнини янги иқтисодиётга хос ҳолда ўзгартирди. Буларнинг аниқ мисоли сифатида истиқболда талаб юқори бўладиган касблардан айримларини келтирдик.

Футуролог - бу ўзига хос касб бўлиб, у деярли ҳеч қаерда ўқитилмайди, лекин бундай мутахассислар меҳнат бозорида жуда талабга эга. Улар компанияда ёки масофадан туриб ишлаши мумкин. Бу соҳада профессионал стандартлар мавжуд эмас, аммо футурист махсус кўникмаларга, жумладан, аналитик ва стратегик фикрлашга эга бўлиши керак. Хедрентинг, ёки стаффинг (инглизча staff – ходим) – онлайн платформалар орқали вақтинчалик ходимларни танлаш каби касбларни келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда айниқса рақамли иқтисодиёт ютуқларидан оқилона фойдаланиб, бизнес бошқарувини автоматлаштирган мамлакатлар амалиётида уберизациядан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Бу термин кам ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодий жараёнида фойдаланилмаётганлиги сабаб уни янги термин сифатида ўрганилиши лозимлигини талаб қилади.

"Уберизация" атамаси Убер компанияси номидан келиб чиққан. Ушбу бизнес модели рақамли платформа мижоз ва у сотиб олган хизмат ўртасида воситачи - ташкилот

ёки шахс ўрнини эгаллашини назарда тутати. Уберизация рақамли технологияларнинг ривожланиши туфайли мумкин бўлди. Убер такси чақириш учун мобил иловани яратди, бу sanoatни тезда ўзгартирди - саёҳатлар нархи янада арзонлашди ва машина олиш вақти сезиларли даражада қисқарди.

Глобаллашув, автоматлаштириш ва технологик тараққиёт кўплаб касбларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. 2022 йилга бориб 75 миллион киши ишсиз қолиши мумкин, уларнинг ўрнини сунъий интеллект эгаллайди. Бу ҳолат кўплаб саволлар туғдиради: ходимлар ва масалан робот хўжайини ўртасидаги муносабатлар қандай бўлади? Оддий ишдан озод бўлган одамлар нима қилади? Ва ниҳоят, ақлли машиналар биз билан рақобат қила оладими? Бундай турдаги саволларга аниқ жавоб топиш мақсадида жаҳоннинг бир қанча тадқиқот компанияларининг рақамли иқтисодиётда инновацион технологияларининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсирининг истиқболдаги прогнозларини ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда, улардан асосий бўлган айримларини келтирдик.

1 - жадвал

Рақамли иқтисодиётда инновацион технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсирининг истиқболдаги прогнозлари


Йиллар ва фойз кесимида	Содир бўлиши кутилаётган технологик ижтимоий-иқтисодий жараёнлар
2050-йилда 70% га	деҳқончилик ҳосилдорлиги GPS, GIS, IoT ва суний йўлдош маълумотлар асосида оширилишига эришилади
2030 йилда 14 %гача	дунё миқёсида 400 миллионга яқин одам, яъни ишчи кучи ўз вазифаларини дастурлар ва роботлар бажарадиганлиги сабабли ишини йўқотишади
34 %	ўрта ва олий маълумотга эга бўлмаган катта ёшдаги инсонлар янги рақамли кўникмаларни ривожлантириш зарур деб ҳисоблашмайди
2025 йилда 19% га	тиббиёт IoT сегменти ошади ва унинг ҳажми 322,2 миллиард долларга етади
2030 йилгача	13 трлн доллар жаҳон иқтисодиётида фақат сунъий интеллектни ривожлантириш орқали эришилади
2030 йилда 14% га	жаҳон ЯИМ нинг ўсиши суний интеллектдан фойдаланиш ҳисобига 15,7 триллион долларни ташкил қилади
2040 йилда	универсал сунъий интеллект (artificial general intelligence — AGI)нинг пайдо бўлиши кутилмоқда
2030 йилда 60% гача	барча касблар автоматлаштирилади
2030 йилда	жаҳонда 20 миллиондан 50 миллионгача IT иш ўринлари пайдо бўлади
53%	ишчиларнинг фикрича, автоматлаштириш кейинги 10 йил ичида уларнинг ишларини сезиларли даражада ўзгартиради ёки эскиради (фақатгина 28 % лари бу мумкин эмас деб ҳисоблашади)
77%	ишчилар роботлаштириш туфайли яқин келажакда янги кўникмаларга эга бўлишга ёки тўлиқ қайта касбий таёрланишга мажбур бўлишади

80%	роботлаштириш туфайли эркаклар аёлларнинг 74 фоизига нисбатан янги кўникмаларга эга бўлишади
2035 йилда	учувчисиз транспорт воситалари бозори йилига 30,4 миллионгача ўсади ва асосий ўсиш суратлари 2025 йилдан бошланади
74%	саноат робототехникасини сотиш асосан 5 та давлат ҳисобига тўғри келади – Хитой, Япония, Жанубий Корея, АҚШ ва Германия

Иқтисодий инқилобнинг ривожланиш босқичларини ўрганиш жараёнида ҳам айнан уларнинг ҳар бир босқичидаги даврий давомийлик бевосита янги иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг, касбларнинг, янгича бошқарув усулларининг ваҳоланки янги иқтисодий тизимнинг шаклланиши билан бошланади. Фикримизнинг исботи сифатида, ўзининг иқтисодий қарашлари билан “Нобел” мукофотида даъвогарлик қилган совет иқтисодчиси Н.Д. Кондратьев тўлқини билан асослаймиз.

1 -расм

Николай “Кондратьев тўлқини”



Мазкур схемада, инқилобнинг ривожланиши йиллар кесимида берилган бўлиб, иқтисодий ривожланиш тўлқин кўринишида келтирилган ва уларнинг энг баланд нуқтаси ривожланишнинг юқори динамикасига тўғри келган. Шунингдек, тўлқиннинг пасайиши билан унинг кейинги янги тўлқиннинг бошланишини яъни янги иқтисодий инқилоб даврини англатади.

Кўриниб турибдики, ҳар қайси инқилобнинг ўзаро даврий давомийлиги босқичма-босқич кескин қисқариб келмоқда. Кондратьевнинг ҳисоб-китобларига кўра, инқилобнинг биринчи тўлкини унинг иккинчи тўлкини билан ўзаро 60 йил билан фарқланса, биз томонимиздан мазкур схеманинг 6-тўлкинида ҳисобланган таҳлилларга кўра, олтинчи тўлқин кейинги истиқболдаги еттинчи тўлқин билан ўзаро 15 йилни ташкил қилди.

Ҳар қайси инқилоб даврида ривожланиш кескин тезлашиб, унинг даврий давомийлиги қисқармоқда. Бу шуни англатадики, саноат инқилоблари ҳар бир тўлқинининг юқори нуқтаси мамлакатда иқтисодий тизимнинг туб бузулиши билан кечади. Янги касблар ва янги бизнес моделларни жорий этилишини тақозо этади. Глобал миқёсда рақобатбардошликка эришишни стратегик вазифа сифатида ўз олдига қўйган ҳар бир мамлакат, аввало Индустрия 4.0 концепциясини мустаҳкамлаши устувор омиллардан саналади. Бу вазифалар шубҳасиз биз томонимиздан берилган таърифга кўра, бошқарувни автоматлаштириш ва иқтисодий жараёнларни оптималлаштиришни англатади.

МУҲОКАМА

Тўртинчи саноат инқилобида бошқарув жараёнлари автоматлаштирилиши натижасида унинг усуллари ва функцияларига рақамли иқтисодиёт ютуқлари тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Маълумки, классик бошқарув мактабининг асосчиси А.Фаёл бошқарувнинг бешта функциясини асослаб берган эди. Булар, режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мативациялаш ва назорат кабиларга ажратган. Янги индустрияда ана шу бошқарув функциялари босқичма-босқич автоматлаштирилади, тизимнинг ўзи зарур ресурсларни ҳисоблаб чиқади ва ишлаб чиқаришни режалаштиради. Бошқача қилиб айтганда, “автоматлаштирилган тизимлар асосан стратегик фаолиятга эмас, балки операцион фаолиятга қаратилган”.

Корхоналар бошқаруви фаолиятида рақамли технологияларни қўллаш махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган маълум ходимлар яъни юқорида айтиб ўтганимиздек янги мутахассис кадрларга бўлган талабни оширади. Масалан, Г.Ю. Ивановичнинг диссертация ишида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар эволюцияси уч гуруҳга ажратилган бўлиб, уларнинг биринчиси қишлоқ хўжалик иқтисодиётида – ер, иккинчиси саноат иқтисодиётида – капитал ва учинчиси билимлар иқтисодиётида – билим муҳим иқтисодий омил эканлиги келтирилган. Бу ўз навбатида янги инқилоб даврини бошлашда инновацион билимлар, янги мутахассисликлар ва инсон капиталининг ролини тубдан ислоҳ этишни, шунингдек, айниқса кичик бизнес бошқарувчиларининг инқилобий фикрлаш доирасини кенгайтиришни кўзда тутаяди. ИТ соҳаси бўйича экспертларнинг фикрига кўра, рақамли иқтисодиёт асосида кичик бизнес бошқарувини шакллантиришга эришишда аввало “рақамлаштиришдан ва дастурий таъминотга ишонишдан кўрқмаслик керак. Ҳар қандай бизнесда асосий нарса тизимга риоя қилиш ва ривожланиш режасини шунга асосан тузиш” деб таъкидлаб ўтишса, яна бир қатор тадқиқотчилар “рақамли технологилардан фойдаланиш бизнесни режалаштириш билан шуғулланувчи тизим асосида бизнес-режани бажарилиш аниқлигини 90 % га етишини ҳисоблашган”.

ХУЛОСА

Мазкур илмий мақоламиз мавзуси доирасида барча тадқиқотчи олимлар, экспертларнинг қарашларини ва консалтинг компанияларининг ҳисоботларини таҳлил қилган ҳолда, кичик бизнес бошқаруви фаолиятида рақамли технологияларни жорий қилиш

муқаррар вазифа эканлигини исботлаган ҳолда, тадқиқотимиз натижаси сифатида ишлаб чиқилган “Digital business managment” дастурий маҳсулотининг тадбиқ этилишини мақсад қилганмиз. Зеро, кичик бизнесни рақамлаштириш ва илғор ахборот технологияларини жорий этиш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Рақамли иқтисодиёт моҳиятини чуқурроқ англаш учун келтирилган илмий қарашларнинг натижаси ҳам шуни кўрсатмоқда-ки, қайсики ривожланаётган мамлакат бўлмасин, ўзининг истиқболида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва индустрия 4.0 босқичига ўтиш стратегиясини амалга оширишида, аввало рақамли иқтисодиётнинг асосий драйвери - кичик бизнесни рақамлаштириш (трансформациялаш) йўли билан **“Рақамли бизнес иқтисодиёти”**га кириб борилади. Шунингдек, кичик бизнесни рақамли бизнес иқтисодиётига ҳар томонлама тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишида давлат томонидан олиб бориладиган сиёсат яъни тадқиқотларимиз натижасида ишлаб чиқилган янги термин **кичик бизнес реабилитациясини** амалга ошириш устувор вазифалар қаторига киритилиши лозим.

REFERENCES

1. Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., К.Ахмедов. Рақамли иқтисодиёт. Т.: “LESSON PRESS, нашриёти 2020 й. 686 б. 44 б.
2. Новосельцева Г.Б., Рассказова Н.В. Перспективы малого бизнеса в цифровой экономике // Вопросы инновационной экономики. – 2020. – Том 10. – № 1. – С. 521-532. – doi: [10.18334/vines.10.1.100580](https://doi.org/10.18334/vines.10.1.100580). <https://1economic.ru/lib/100580>
3. А.В. Кешелава В.Г. Буданов, В.Ю. Румянцев и др. Введение в «Цифровую» экономику под общ. ред. А.В. Кешелава; гл. «цифр.» конс. И.А. Зимненко. – ВНИИГеосистем. (На пороге «цифрового будущего». Книга первая). Москва 2017 г. 29 с. - 14 с.
4. Недоспасова О.П. Актуальные проблемы экономики труда и управления человеческими ресурсами. Томский государственный университет. 2021 г.
5. А. Файоль, Г. Эмерсон, Ф. Тэйлор, Г. Форд. Управление — это наука и искусство. М.: Республика. 1992. — 350 с.
6. Андреевна С.Б. Система управления в индустрии 4.0. Petersburg state University of Economics УДК 338, ББК 65.05, 357 с.
7. Иванович Г.Ю. “Цифровая трансформация социально-экономических систем на основе развития института Сервисной интеграции”. Специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями, комплексами – сфера услуг). Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санкт-Петербург – 2019 г.
8. Геннадьевна Т., Вениаминовна Т. Цифровые технологии —эффективные инструменты развития бизнеса ББК 65.05
9. Варнакова Г.Ф., Фадеева А.О. Малый бизнес в пути к цифровизации экономики. «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» №1(28) 2019 Alley-science.ru https://alley-science.ru/domains_data/files/04January2019/MALYY%20BIZNES%20NA%20PUTI%20CIFROVIZACII%20EKONOMIKI.pdf
10. Д.Махмудова “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448

11. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60. 17.
12. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT
13. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT.
14. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39.
15. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
16. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT
17. <https://trends.rbc.ru/trends/education/620aa1409a794727d51160c4>
18. <https://www.youtube.com/watch?v=wJ81L5JWAuE>